



2017 йил «21» декабрь

№ 1257-қ

Ер майдони танлаб ажратилиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, Ер кодекси”нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида “Қишлоққурилишлойiha” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг 2017 йил 10 ноябрдаги №1446/07 сонли келишув хати, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2017 йил 23 ноябрдаги №2231-сонли давлат экологик экспертизаси хулосасини, “CENTRAL ASIA COMPANY” маъсулияти чекланган жамияти томонидан Нурабад тумани Сарикул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган №1415к-контурда жойлашган яйлов ер майдонидан 4,0 гектар ер майдонига тош майдалаш заводини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган хатини ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 15 декабрдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “CENTRAL ASIA COMPANY” маъсулияти чекланган жамиятига Нурабад тумани Сарикул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган №1415к-контурда жойлашган яйлов ер майдонидан 4,0 гектар ер майдонига тош майдалаш заводини қуриш учун ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 15 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. "CENTRAL ASIA COMPANY" маъсулияти чекланган жамиятига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)га "CENTRAL ASIA COMPANY" маъсулияти чекланган жамиятига томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурга кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК иши вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (Ж.Джиянов)га "CENTRAL ASIA COMPANY" маъсулияти чекланган жамиятига ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки кун муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. "CENTRAL ASIA COMPANY" маъсулияти чекланган жамияти томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими



Ф. Змиров